

А Ж Р И М

(Ярашганлиги муносабати билан жиноят ишини тугатиш тўғрисида)

2021-йил апрель ойининг 20-куни жиноят ишлари бўйича Учкўприк туман суди, Учкўприк тумани Буйрак маҳалла фуқаролар йиғини биносида, очик сайёр суд мажлисида раислик қилувчи Н.Мирзажонов, судья ёрдамчиси Ж.Рустамовнинг котиблигида, тарафлардан Учкўприк туман прокурори А.Тухтасинов, гумон қилинувчи Х.Хожибоев – унинг ҳимоячиси А.Юлдашев, жабрланувчи С.Азимов, В.Боратов ва Б.Қўқонбоевларнинг иштирокида,

Хожибоев Хайрулло Сайдуллаевич (Хожибоев Хайрулло Сайдуллаевич) 1982-йил 25-февралда Учкўприк туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, тўрт нафар фарзанди, мавсумий ишчи, муқаддам судланмаган, Учкўприк тумани, Буйрак МФЙ, Буйрак қишлоғида яшайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан гумон қилинувчига оид №1-1518-2101/110-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Тўпланган ҳужжатларга кўра, Х.Хожибоев 2021-йил 03-апрель куни соат 23:00 ларда ўзига тегишли “Neksiya-3” русумли, 40 J 071 NA давлат белгили автомашинани Учкўприк-Сарикўрғон автомобиль йўлининг Учкўприк тумани, Бегобод м.ф.й., Ободон қишлоғидан ўтган қисмидан Сарикўрғон қишлоғи томонга қараб бошқариб бораётиб, амалдаги йўл ҳаракати қоидаларининг 53-бандини кўпол равишда бузиб чапга бурилиб юбориб, йўлни чап томон қисмида ўзи билан бир йўналишда ҳаракатланиб кетаётган фуқаро Қўқонбоев Бегзод Мирзохид ўғлининг бошқарувидаги “Neksiya-2” русумли, 40 J 850 VA давлат белгили автомашинасини йўлига чиқиб юбориши оқибатида, автомашинасини олди чап томон қисми билан фуқаро Б.Қўқонбоевнинг бошқарувидаги “Neksiya-2” русумли автомашинани ўнг ён қисмига бориб урилиб, йўл транспорт ҳодисасини содир этган. Натижада “Neksiya-2” русумли автомашина ҳайдовчиси Қўқонбоев Бекзод Мирзохид ўғли ва автомашинада йўловчи сифатида кетаётган фуқаро Боратов Вахобжон Иброхимович ва Азимов Сардор Сидиковичлар тан жароҳати олиб, Учкўприк тумани марказий шифохонасига даволаниш учун ётқизилган.

Ўтказилган судга оид тиббий экспертизасининг 2021 йил 12 апрелдаги №2244-сонли хулосасига кўра, фуқаро В.Боратовда ўнг орбита суяклари, бурун ва юқори жағ суяқларини ғаймор бўшлиғи олдинги медиал ва юқори деворларини синиши, кўкрак қафаси чап томондан 8-9 қовурғаларини ёпик синиши, бош мия чайқалиши, пешона соҳасида, юқори ва пастки лаб бурчак соҳасида йиртилган яралари, ўнг кўз атрофи қовоғида қонталашини, ўнг елка соҳасида, ўнг тирсак бўғими соҳасида, ўнг тизза бўғими соҳасида шилинмалари каби жароҳатлар борлиги, бу жароҳатлар уни соғлигини йигирма бир кундан



кўп бўлган муддатга бузилишига олиб келган ўртача оғир шикастлар тоифасига киришлиги аниқланган.

Ўтказилган судга оид тиббий экспертизасининг 2021 йил 12 апрелдаги №2191-сонли хулосасига кўра, Б.Кўконбоевда ияк ичида ўнг елка бўғимида, ўнг тизза бўғимида, чап болдирида шилималари каби жароҳатлари борлиги, бу жароҳатлар соғлиғини олти кундан кўп давом этмайдигантез ўтиб кетувчи енгил шикастлар тоифасига киришлиги аниқланган.

Ўтказилган судга оид тиббий экспертизасининг 2021 йил “9” апрелдаги №2190-сонли хулосасига кўра, С.Азимовда бош мия ёпиқ шикасти, бош мия чайқалиши, чап кўз атрофида, ўнг чакка соҳаларида қонталашлари, бурун, пешона, чап чакка, бошини тепа-энса, ўнг тирсак бўғими, ўнг елка бўғими, кўкрак қафаси тўш соҳасида, ўнг тизза бўғими, чап тизза соҳаларида шилинмалари каби жароҳатлари борлиги, бу жароҳатлар соғлиғини олти кундан кўп, йигирма бир кундан кам бўлган муддатга бузилишига олиб келган енгил шикастлар тоифасига киришлиги аниқланган.

Учкўприк туман ИИБ суриштирувчисининг 2021-йил 20-апрель кунги қарорига кўра, гумон қилинувчи Х.Хожибоевга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан юритилган жиноят иши ярашганлик муносабати билан тугатиш масаласини ҳал қилиш учун судга юборилган.

Гумон қилинувчи Х.Хожибоев суд мажлисида ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, айбига ўз ихтиёри билан тўлиқ иқроп эканлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймондалиги, содир этган қилмишининг оқибатларини англаганлиги, жабрланувчиларга етказилган моддий ва маънавий зарарларни тўлиқ қопланганлиги, ҳозирда жабрланувчилар билан бирон-бир тазйиксиз ярашиб олганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Жабрланувчи С.Азимов суд мажлисида ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, Х.Хожибоевга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, ўзига етказилган моддий ва маънавий зарарлар тўлиқ қопланганлиги, ҳозирда аризани ўз хохиши билан ёзганлиги, унга бирон-бир тазйик бўлмаганлиги, ярашув суд томонидан тасдиқланганидан кейин келиб чиқадиган ҳукуқий оқибатларни тушунганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Жабрланувчи В.Боратов суд мажлисида ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, Х.Хожибоевга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, ўзига етказилган моддий ва маънавий зарарлар тўлиқ қопланганлиги, ҳозирда аризани ўз хохиши билан ёзганлиги, унга бирон-бир тазйик бўлмаганлиги, ярашув суд томонидан тасдиқланганидан кейин келиб чиқадиган ҳукуқий оқибатларни тушунганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Жабрланувчи Б.Кўконбоев суд мажлисида ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, Х.Хожибоевга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, ўзига етказилган моддий ва маънавий зарарлар тўлиқ қопланганлиги, ҳозирда аризани ўз хохиши билан ёзганлиги, унга бирон-бир тазйик бўлмаганлиги, ярашув суд томонидан тасдиқланганидан кейин келиб чиқадиган ҳукуқий оқибатларни тушунганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, ЖКнинг 266-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқроп бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф



этса, ярашганлиги муносабати билан жиний жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Суд, жабранувчилар С.Азимов, В.Боратов, Б.Қўқонбоев ва гумон қилинувчи Х.Хожибоевнинг ярашув тўғрисидаги аризаларини жинийт иши хужжатлари билан танишиб чиқиб, Учқўприк туман прокурори А.Тухтасинов ва химоячининг жинийт ишини ярашганлик муносабати билан тугатиш ҳақидаги фикрларини эшитиб, гумон қилинувчи Х.Хожибоевни айбига иқдорлигини, етказилган моддий ва маънавий зарарларни тўлиқ қопланганлигини, жабранувчилар ва гумон қилинувчига бирон-бир тайзиқ бўлмаганлигини, ярашув гумон қилинувчи, жабранувчиларнинг хошишлари билан ихтиёрий тузилганлигини ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жинийт ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, ярашувга тушишини инобатга олиб, Х.Хожибоевга нисбатан юритилган жинийт ишини ярашганлиги муносабати билан тугатишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисми, 585-586-моддаларига амал қилиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Хожибоев Хайрулло Сайдуллаевич (Хоҗибоев Хаурулло Сайдуллаевич)га нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан юритилган жинийт иши тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан тугатилсин.

Ажрим устидан йиғирма сутка ичида Фарғона вилоят суди жинийт ишлари бўйича апелляция инстанциясига апелляция тартибида хусусий шикоят берилиши ёки протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи

/ имзо/

Н.Мирзажонов

Ажрим аслига тўғри,
Жинийт ишлари бўйича
Учқўприк туман суди раиси

Н.Мирзажонов

